



20 20 у « 23 » апрель

№ Қ-191

« \_\_\_ » 20 \_\_\_ г

**Жарқўрғон тумани “Оқтепа” массиви  
“Олтинтепа” маҳалласи худудидан  
“ҲАҲУОВЕК-ВАХТИҲОР-SERVIS” хususiy  
korxonasiга озуқабоп экинларни экиш ва  
чорвачилик комплекси қуриш учун ер  
майdonи ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 03-02/198-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 26 мартдаги 48/05-29-сон хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 03-02/198-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани “Оқтепа” массиви “Олтинтепа” маҳалласи худудидан “ҲАҲУОВЕК-ВАХТИҲОР-SERVIS” хususiy korxonasiга чорвачиликни ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 74қ-дала контуридаги жами 3,0 гектар яйлов ер майdonи, шундан 2,0 гектарига озуқабоп экинларини экиш ва 1,0 гектарига чорвачилик комплекси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ҲАҲУОВЕК-ВАХТИҲОР-SERVIS” хususiy korxonasi чорвачилик комплекси қуриш учун ажратилаётган 1,0 гектар яйлов ер майdonи учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 13 384 860 (ўн уч миллион уч юз саксон тўрт минг саккиз юз олтимиш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР:201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминлансин.

4. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон туман ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Ориповлар зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**